



Ижтимоий-сиёсий газета

ЎЗБЕКИСТОН

№ 94 (1420), 2025 йил 9 май, жума



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



МАТОНАТЛИ ХАЛҚИМИЗ ШОНЛИ ҒАЛАБАГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ВАТАНИМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ БИЛАН ҲАР ДОИМ ФАХРЛАНАДИ

Иккинчи жаҳон урушининг тугатанига 80 йил бўлди. Шунча вақт ўтса-да, унинг тарихи, кулфат ва мусибатлари унутилмайди. Аксинча, урушнинг мудҳиш оқибатлари, тинчлик-осойишталик кадрини ёдга солади. 9 май — Хотира ва қадрлаш куни замирида ана шундай моҳият мужассам.



Президент Шавкат Мирзиёев ушбу сана муносабати билан Ғалаба боғига ташриф буюриб, хотира маросимида иштирок этди. Боғ бўйлаб муңгли куй таралади. Бу ердаги ҳар бир ёдгорлик, тимсол ва битиклар мудҳиш уруш ҳақиқатларини ифода этади, халқимизнинг ғалабага қўшган улкан ҳиссани ургулайди. Боғ бугунгидек байрам кунларида, айниқса, гавжум бўлади.

Сўнгги йилларда шаклланган аънаёнага мувофиқ, давлатимиз раҳбари “Матонат мадҳияси” ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйди. Бу музакам обида урушда халқимиз чеккан азоб-уқубатлар, матонат ва йўқотишларнинг ифодасидир. Хужжатларнинг далолат беришича, фашизмга қарши қонли жангларда ўша пайтда 6 миллион 800 минг нафарни ташкил

этган аҳолимизнинг қарийб 2 миллион нафари иштирок этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 50 мингдан ортиқ концлагерларда мислсиз қийноқ ва азоблар туфайли ҳалок бўлган, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтган. Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан 214 мингга яқини жанговар ордан ва



медаллар билан мукофотлангани уларнинг жасоратидан далолат беради. Мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустақкам таъминот базасига айланган, жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, кийим ва озиқ-овқатлар етказиб турилган. Гоят оғир шaroитта қарамай, халқимиз уруш ҳудудларидан кўчириб келинган 1 миллион 500 мингта

яқин инсонни, жумладан, ота-онасидан жудо бўлган 250 минг нафар етим болани ўз бағрига олиб, меҳр кўрсатган. Булар чинакам мардлик ва қаҳрамонлик солномасидир. Бундай мураккаб ва шонли ғалабага муносиб ҳисса қўшган матонатли халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди. Бу қаҳрамонликларни ҳеч қачон унутмаслигимиз, ёшларимизга

етказишимиз керак. Айниқса, ҳозирги таҳликали замонда бунинг аҳамияти ниҳоятда катта. Ҳаммамиз ватан ҳимоясига ҳар куни тайёр бўлишимиз керак, — деди Шавкат Мирзиёев.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Матбуот хизмати суратлари.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Қадри ватандошлар!
Аввало, сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун халқимизни кутлуг айём — Хотира ва қадрлаш куни ҳамда Иккинчи жаҳон урушида қозонилган буюк Ғалабанинг 80 йиллиги билан чин қалбимдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман.

Мана шу ҳаяжонли, айна пайтда изтиробли дамларда инсониятни фашизм балосидан ҳалос этишга муносиб ҳисса қўшган қаҳрамон аجدодларимизни ёд этиб, уларнинг ёрқин хотираси олдида таъзим қиламиз. Бугунги кунда Янги Ўзбекистонни барпо этишда олтинга тенг дуолари, маслаҳатлари билан фаол иштирок этиб келаётган мухтарам уруш ва меҳнат фахрийларига алоҳида қутлов ва ташаккурларимизни изҳор этамиз.

Ҳеч шубҳасиз, тинч ва фаровон ҳаёт посбонлари улугъанадиган ушбу мунаввар айёмда мустақиллик йилларида Ватанимиз озодлиги, халқимиз осойишталигини ҳимоя қилиш йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган жасур ҳарбийларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтириш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарзидир.

Азиз дўстлар!
Башарият тарихидаги энг даҳшатли қирғин бўлган Иккинчи жаҳон уруши дунё халқлари, жумладан, эл-юртимиз бошига солган оғир мусибатлар, мислсиз кулфат ва йўқотишлар ҳеч қачон унутилмайди.

Бу — замон ва макон чегарасини билмайдиган чинакам мардлик ва қаҳрамонлик солномасидир.

Бундай музакам, шонли зафарга муносиб ҳисса қўшган матонатли халқимиз билан ҳар қанча фахрлансак, арзийди.

Кейинги йилларда жонқуяр олим ва мутахассисларимизнинг илмий изланишлари туфайли Иккинчи жаҳон уруши тарихининг янги саҳифалари билан танишмоқдамиз.

Хужжатларнинг далолат беришича, фашизмга қарши қонли жангларда ўша пайтда 6 миллион 800 минг нафарни ташкил этган аҳолимизнинг қарийб 2 миллион нафари иштирок этган. Шундан 540 мингга яқини ҳалок бўлган, 158 минг нафари бедарак йўқолган, 50 мингдан ортиқ концлагерларда мислсиз қийноқ ва азоблар туфайли ҳалок бўлган, 60 мингдан зиёди ногирон бўлиб қайтган.

Ўзбекистонлик аскар ва офицерлардан 214 мингга яқини жанговар ордан ва медаллар билан мукофотлангани, 301 нафари Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган юксак унвонга,

70 нафардан зиёди учала даражадаги “Слава” орденига сазовор бўлгани, ҳеч шубҳасиз, юртимиз вакиллари томонидан уруш майдонларида кўрсатилган жасорат ва матонатнинг юксак амалий эътирофидир.

Мамлакатимиз уруш йилларида фронтнинг мустақкам таъминот базасига айланган, республикамиздан жанг майдонларига жуда катта миқдорда ҳарбий техника, қурол-яроғ, дори-дармон, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа зарур махсулотлар етказиб берилгани ўша суронли даврнинг яна бир унутилмас саҳифасини ташкил этади.

Уруш олови ичида қолган ҳудудлардан юртимизга 170 дан ортиқ завод ва фабрика кўчириб келтирилди, қисқа муддатда 280 та янги корхона бунёд этилди.

Халқимиз гоят оғир ва мураккаб шароитда уруш ҳудудларидан ўлкамизга олиб келинган 1 миллион 500 мингга яқин инсонни, жумладан, ота-онасидан жудо бўлган 250 минг нафар етим болани бағрига олиб, уларга меҳрмурувват кўрсатди.

Тарих китобига муҳрланган бундай мисолларни бугун яна бир бор эсга олар эканмиз, ҳар қандай вазиятда ҳам инсоний эътиқодига содиқ қолган олижаноб ва бағрикенг халқимизнинг буюк гуманистик фазилатларига таҳсин ва тасаннолар айтаемиз.

Қадри ватандошлар!
Сўнгги йилларда қаҳрамон аждодларимизнинг ҳаёти ва фаолияти, мардлик ва матонатини чуқур ўрганиш ва тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг шонли аънавалари руҳида тарбиялаш бўйича кўп ишларни амалга оширмоқдамиз.

Бу борада Тошкент шаҳрида бунёд этилган Ғалаба боғи, ҳудудлардаги “Ватанпарвар” боғлари муҳим роль ўйнамоқда. Ушбу табаррук масканлар қисқа муддатда барча юртдошларимиз ва чет эллик меҳмонлар учун қутлуг зиёратгоҳларга айланди.

Ана шундай эзгу ишларимизнинг давоми сифатида Ғалаба боғи ҳудудида она юрт қаққонлари шарафига барпо этилган яна бир тарихий ёдгорлик — **Миллат фидойилари** мажмуаси ҳам, ҳеч шубҳасиз, гоят муҳим аҳамиятга эга.

Ишончим комил, юзлаб марҳум баҳодир ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқини муҳофиза қилиш органлари ходимларининг номлари зарҳал ҳарфлар билан муҳрлаб қўйилган ушбу муҳташам бадний обида эл-юртимиз чин дилдан интиладиган ва фахрланадиган яна бир мўътабар маскан бўлиб қолади.

Хурматли дўстлар!
Бугунги кунда “**Инсон қадрини, инсон бахти учун**” деган эзгу гоя ҳаётимизга тобора чуқур кириб бормоқда.

Бу йил Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига 10 минг АҚШ доллари миқдорига, ушбу тоифага тенглаштирилган шахсларга 25 миллион сўм, меҳнат фронти қатнашчиларига 3 миллион сўмдан бир марталик пул мукофотлари ва “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” юбилей медаллари топширилгани муҳтарам фахрийларимизга эътибор ва ғамхўрликнинг яна бир амалий ифодаси бўлди.

Уруш фахрийлари ва ногиронлари учун тиббий ва ижтимоий хизматлар, жумладан, патронаж хизмати кўрсатилмоқда. Улар ўз хоҳишларига кўра санаторийларда даволанмоқда.

Ушбу қувончли кунларда халқимиз мўътабар кексаларимиз, уруш ва меҳнат фахрийларини эъзат қилиб, уларнинг дуссини олмақда. Тегушли вазирлик, идора ва ташкилотлар, ҳарбий қисмлар раҳбарлари иштирокида уруш ва меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқини муҳофиза қилувчи органлар ходимларининг оила аъзоларининг ҳолидан хабар олиниб, уларга зарур кўмак ва ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Албатта, биз бугунги тинч, озода ва эркин ҳаёт учун ўзининг азиз жонини ҳам аямасдан курашган бундай фидойи инсонларнинг олдида доимо қарздормиз. Улар бундан буён ҳам давлатимиз ва жамиятимизнинг меҳрини, эътиборини ҳис қилиб яшайдилар.

Азиз ва мухтарам юртдошлар!
Ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, диёримиздаги тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро аҳиллик ва тотувликни асраш йўлида қаҳрамон ота-болаларимизнинг Иккинчи жаҳон уруши йилларида кўрсатган сабот ва матонати биз учун ҳаммаши ибрат мактаби, куч ва илҳом манбаи бўлиб хизмат қилади.

Ушбу унутилмас айёмда сиз, азизларни, мухтарам фахрийларимизни, бутун халқимизни яна бир бор самимий табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барак тилаймиз.

Юртимиз тинч, халқимиз доимо омон бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 8 май куни амалий ташриф билан Москва шаҳрига келди.

Ўзбекистон етакчиси учун ажратилган қароргоҳда давлатимиз раҳбарини Россия Федерацияси Президенти Администрацияси раҳбарининг ўринбосари Максим Орешкин ва Хукумат Раисининг биринчи ўринбосари Денис Мантуров кутиб олдилар.

Ташриф дастурига мувофиқ, Президентимиз Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 80 йиллигига бағишланган тантанали тадбирларда иштирок этади ҳамда қатор икки томонлама учрашувлар ўтказди.

ЎЗА

Муносабат

ЮКСАК ҚАДР ВА ЭЪЗОЗДАН ҚУВВАТ ОЛЯПМАН

Ҳар йил 9 май санаси яқинлашганида айни кучга тўлган, норғул йигитлик чоғимини, шу билан бирга, энг синовли, энг оғир кунларни эслаймиз. Орадан шунча вақт ўтибди. Салкам юз ёшга қиряпман. Шукр, ҳамон тетикман. Бу ҳам беиз эмас, давлатимиз бизни ўз ҳолимизга ташлаб қўймаган. Кейинги йиллардаги ўзгаришлар сабаб кафолатланган ижтимоий хизмат ва ёрдамлар кўрсатилмапти.



Президентимиз берган имтиёزلардан фойдаланиб келяпман. Масалан, бепул тиббий хизмат, дори-дармонлар билан таъминланганимиз. Худода шукр, болаларим, набираларим сероб, улар ҳам меҳрибон. Қарашиб, ҳеч нарсадан кам қилаётгани йўқ. Лекин давлатимиз раҳбарининг эътибори, ёрдами одамга ўзгача қувват беради. Кайфиятимиз кўтарилади, эътиборда, эъзозда эканимиздан бутун оиламиз билан фахрланамиз-да!

Мана бугун ҳоким келиб, Президентимизнинг совғаси — BYD автомобилини топишди. Ҳей, бунинг қувончини айтиб, тушунтириб бўлмайди-да, болам... Болаларимга, неварам ва чевараларимга яна такрор айтдим — бундай юртининг, шундай тинч ва осойишта кунларнинг қадрига етиглаб деб.

▶ Давоми 2-бетда



9 МАЙ — Хотира ва қадрлаш куни

БУЮК АЖДОДЛАР ХОТИРАСИГА ЭЪТИБОР ВА ЭЪТИРОМ

МАРД ЎҒЛОНЛАРИМИЗ ЖАСОРАТИ, МАТОНАТИ ҲАМДА ФИДОЙИЛИГИНИ ЮРАГИМИЗДА УМРБОД САҚЛАЙМИЗ



“Президентимизнинг алоҳида фармони билан ватан ҳимояси йўлида мардонавор курашган буюк аждодларимизга эътибор ва чуқур эътиром кўрсатиш, ғалабага бебахо ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини муносиб равишда иззат-икром билан шарафлаш мақсадида “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медали таъсис этилди.



Мирзаясуп РУСТАМБОВЕВ,
Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи, юридик фанлар доктори, профессор

“Инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан барҳаёт. Хотира кечаги ўтмишни, аждодлар ўғитини, миллий меросимизни англитиб турувчи муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр инсонни юксакликка кўтарди, унинг фаолиятига, орзу-интиллари, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлайди.

“Уруш халқлар учун — кўз ёш ва қон, бу — бевалар ва бошпанасизлар, бу — тўзатирилган кўлба, ўлдирилган ёшлик ва тақдирланган кексаликдир”, деган эди улуғлардан бири. Дарҳақиқат, уруш манзараси фожиа, ичига тушсанг эса даҳшат. Тадқиқотларга кўра, бугунга қадар 15 мингдан ортқ катта-кичик уруш бўлиб ўтган. 5000 йил ичида фақат 292 йилгина инсоният тинч яшаган экан. Шу боис, айнан урушга “Инсон ва табиат устидан қилинган улкан ҳақоратлардан бири” деб таъриф берилган.

Инсоният бошига энг катта қулфат олиб келган Иккинчи жаҳон уруши миллионлаб бегуноҳларнинг ўлимга, мислсиз йўқотиш ва талафотларга сабаб бўлган. Олти йил давом этган бу қонли жанг жадалда ўша пайтда дунёдаги 73 давлатдан 62 таси, Ер юзи аҳолисининг 80 фоизи қатнашган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида фронтга сафарбар этилган қарийб 2 миллион ўзбекистонлик жангчилардан 540 мингта ақини ҳалок бўлган, 158 мингдан зиёди бедарак йўқолган, 870 мингдан ортиги турли жараҳат олган, 60 мингдан зиёди эса ногирон бўлиб қайтган. Ўзбекистон уруш ҳудудларидан эвакуация қилинган 1 миллион 500 мингта яқин инсонга бошпана берган, ота-онасидан жудо бўлган 250 минг етим болага меҳр-оқибат кўрсатган.

Оқоридаги рақамлар ортида машъум тақдирлар, буюк аждодларимизнинг муқаддас хотираси муҳассаб. Улар ғалаба биз учун нақадар қимматга тушганини ёрқин ифода этиб турибди.

Маълумотларга кўра, бугун Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва уларга тенглаштирилган 82 фахрий ҳаёт. Улардан энг ёши улуги 115 ёшда.

Жорий йилда Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабага 80 йил тўлади. Шу боис, қаҳрамон аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд олиб, пок руҳига ҳурмат бажо келтиришнинг айнаи фурсати.

“Ўзбекистон бу — фронт орқаси эмас, Ўзбекистон — жанг майдони”

Ҳа, айнан шундай. Ўша даврларда Ўзбекистон раҳбари бўлган Усмон Юсуповнинг бу сўзлари ўз вақти ва ўрнида айтилган. Бундан юқоридаги катта-катта рақамлар ҳам яққол ифода этиб турибди. Умумҳалқ ишига айланган уруш учун, ғалаба учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, кўмак қўлини чўзгани, айниқса, Ўзбекистон фронт учун нима зарур бўлса, барча-барчасини тўлақонли етказиб беришда олдинги ўринларда бўлгани исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат.

Шундай экан, мудҳиш уруш эл-юртимиз учун қандай мислсиз талафот ва мусибат олиб келганини, ота-боболаримиз ғалаба ва ор-номус учун жонини бахшида этганини доим ёдда тутмоғимиз ва келгуси авлодларга ҳам етказмоғимиз лозим.

Уруш йиллари юртимиздан жанг майдонларига 2000 дан зиёд самолёт, кўплаб қурол-ароҳ, ҳарбий-санитария поезда, юзлаб дала ошоҳнаси, чодирлар, улкан миқдорда озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа маҳсулотлар етказиб берилган.

Иккинчи жаҳон урушида қатнашган ўзбекистонликларнинг тарихини тиклаш, жанговар йўлини аниқлаш, бедарак йўқолган уруш қатнашчиларини илмий асосда аниқлаш ва хотирасини абадийлаштириш юзасидан кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Тадқиқотлар асосида янгидан янги маълумотлар аниқланмоқда.

1941-1943 йилларда мамлакатимиз аҳолиси муқаддас фондига 475 миллион рубдан ортқ маблағ, 22 миллион рублик қимматбаҳо шахсий буюмларини ихтиёрий топишари ғалабани яқинлаштириш йўлидаги навбатдаги амалий ҳаракат бўлган.

Фронт ортидаги қаҳрамонликлар

Уруш бошланган биринчи кунларданок Ўзбекистон фронт учун маҳсулотлар етказиб бера бошлади. Кўп ҳолларда бундай амалий ишларнинг бевосита ташаббускори ҳам бўлди. Даҳшатли кирғинбарот кезларида Ўзбекистон халқи “Ҳамма нарса — фронт учун, ҳамма нарса — ғалаба учун!” деган ҳаётий эътиқод билан яшаб, мамлакатимиз фронт ортидаги мустаҳкам таъминот базасига айланди. Кўп миллатли аҳолининг фидокорона меҳнати билан республикамиздаги 300 га



эттани ҳам айни ҳақиқат. Айниқса, Ўзбек халқининг ҳақиқий жасорати намунаси бўлган Катта Фарғона каналининг 45 кунда қўл меҳнати асосида барпо этилгани ҳам ҳали-ҳамон тилларда дoston.

Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг энг йирик гидроэлектр станцияси Фарҳод ГЭСининг умумҳалқ ҳашари асосида 10 ойда, Салар, Куйи Бўзусув, Товоқсой, Оққовоқ, Оқтепа, Қибрай ГЭСлари, 1944 йил 5 мартда Ўзбекистоннинг Бекобод металлургия заводи ишга туширилгани ва бошқа амалий ишлар ҳам алоҳида аҳамият касб этди.

Уруш йилларида Ўзбекистон меҳнатқашлари 4 миллион 148 минг тонна пахта, 82 миллион пуд галла, 54 минг 67 тонна пилла, 195 минг тонна шOLI, 57 минг 300 тонна гўшт, 22 минг 300 тонна жун ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди.

“Ташсельмаш” заводида уларнинг сони 1,5 мингга етганди. Ўзбекистонликлар урушнинг дастлабки кунлариданок муқаддас жамғармасини ташкил этиш ҳаракатида фаол иштирок этган. Бу жамғармага жами 649,9 миллион сўм пул ва 55 килога яқин олтин, қумуш ва бошқа қимматбаҳо металл топширилган.

Уруш йиллари олднинг олтин қўли тоғларни толқон қилажагини, унинг меҳнатсевар ва матонатли эканини бутун дунёга дoston



аҳолиси 6 миллион 551 минг кишини ташкил этган ва уларнинг 1 миллион 500 мингта яқини урушда иштирок этган деб ҳисобланар эди.

Президент топишаридага асосан амалга оширилган кенг кўламли илмий изланишлар натижасида Иккинчи жаҳон урушига Ўзбекистондан 1 миллион 951 мингта яқин киши сафарбар этилгани аниқланди. Мамлакатимиз аҳолисининг ўша пайтдаги умумий сонидан келиб чиқилса, ҳар уч ўзбекистонликдан бири қўлига қурол олиб, фашизмга қарши жанг қилган. Тенгсиз жангларда мардона қатнашган қарийб 451 минг юртдошимизнинг номи ва тақдирини шунча йил мобайнида эътибордан четда қoлиб келгани ачинарли ҳол. Шу билан бирга, ўрганишлар натижаси ўша даврда “қулқок” сифатида бошқа ўлкаларга сургун қилинган 59 мингдан ортқ ватандошимиз ҳам армияга сафарбар этилгани маълум бўлди.

Узоқ йиллар мобайнида, аниқроғи, уруш туғанган 1945 йилдан 2020-йилларга қадар Ўзбекистоннинг 396 минг фуқароси урушда ҳалок бўлган деб келинган. Аслида эса бу рақам 538 мингдан зиёд бўлган. Бундан ташқари, фронтда бедарак йўқолганлар ҳақидаги маълумотлар ҳам тўлиқ эмасди. Ҳозир 158 мингдан кўпроқ ҳамюртимиз урушда бедарак кетгани аниқланди.

Бундан ташқари, илмий изланишлар туфайли жанговар ордон ва медаллар билан мукофотланган ўзбекистонликларнинг сонига ҳам ойдинлик киритилди. Шу пайтга қадар бу кўрсаткич 120 минг деб қайд этилганди. Янги маълумотларга асосан, 214 мингта яқин аскар ва офицерларимиз жанговар ордон ва медаллар билан тақдирлангани аниқланди.

Инсон хотираси — юксак қадрият

Аждодлар хотирасини чуқур ўрганиш ва пок руҳини шод этиш, уларга муносиб авлодларни тарбиялаш борасида тизимли

ишлар қилиб келинмоқда. Хусусан, юртимизда 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини кенг нишонлаш, Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабага ҳисса қўшган уруш ва меҳнат фахрийларига ҳамда ватан равнақи, тараққиёти ва ҳимояси учун курашган аждодларимизга алоҳида эътибор ва чуқур эътиром кўрсатиш, шунингдек, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари хотирасини улуғлаш юксак қадриятга айланди.

Иккинчи жаҳон урушида мардлик ва жасорат, фронт ортида матонат ҳамда инсонпарварлик намуналарини кўрсатган кўп миллатли Ўзбекистон халқининг фашизм устидан қозонилган ғалабани таъминлашга қўшган муносиб ҳиссасини кенг миқёсда ёритиш, уруш қатнашчилари ва фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизнинг номларини абадийлаштириш, уларнинг бекиёс жасорати ва матонатини тарих саҳифаларига муҳрлаш, ёш авлоднинг ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш мақсадида Тошкент шаҳрида “Шон-шараф” давлат музейи, “Мангу жасорат” ва “Матонат маҳжаси” монументлари, тарихий-бадий экспозициялари ўз ичига олган “Ғалаба боғи” ёдгорлик мажмуаси барпо этилди.

Янги тадқиқотлар, янги рақамлар ва янги тақдирлар

Янги Ўзбекистон шaroитида Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги тарихимизни ўрганишда том маънода янги давр бошланди. Президентимиз ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, шу вақтга қадар уруш бошланган пайтда юртимиз

Мажмуа жамоаси томонидан эллика яқин китоб-альбом ва монография, ноёб ҳужжатлар тўплами тайёрланди, ҳозирга қадар номаълум бўлган юзлаб тарихий фактлар аниқланиб, жамоатчиликка етказилди. Шунингдек, “Бобомни излайман” лойиҳаси доирасида урушда иштирок этган 2 миллионга яқин ватандошимиз рўйхати шакллантирилди. Юртдошларимиздан келиб тушган 300 дан зиёд мурожаат бўйича урушда бедарак кетган 200 жангчининг тақдирига онд муҳим маълумотлар тўпланди.

Халқимизнинг ватан ҳимояси йўлидаги юксак мардлиги ва қаҳрамонлиги авлодлар учун намуна ва ибрат мактаби вазифини бажариб келмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 19 февралдаги “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарориди бундай жумлалар халқимизнинг эъзу ниятларини ўзида ифода этади. “Биз тинчлик ва мустақиллик учун ўз жонини аямаган ота-боболаримиз ва мард ўғлонларимизнинг улкан жасорати, матонати ҳамда фидоийликларини юрагимизда абадий сақлаймиз”.

Шу билан бирга, Президентимизнинг алоҳида фармони билан ватан ҳимояси йўлида мардонавор курашган буюк аждодларимизга эътибор ва чуқур эътиром кўрсатиш, ғалабага бебахо ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат fronti фахрийларини муносиб равишда иззат-икром билан шарафлаш мақсадида “Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги” эсдалик юбилей медали таъсис этилди.

Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари доимий эътиборда. Ҳар йили уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти фармони эълон қилиниб, фахрийларга мукофотлар тантанали топириб келинмоқда. Хусусан, 2025 йилда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларнинг ҳар бирига 10 минг доллар миқдориди пул мукофоти топирилгани ҳам амалий ишларнинг яққол намунаси.

Буюк аждодларимиз хотираси учун мўъжаз ҳисса

Иккинчи жаҳон уруши қаҳрамонлари, шунингдек, тарихнинг турли йилларида қатагон қурбони бўлган юртдошларимизнинг оқланганига доир маълумотларга тез-тез гувоҳ бўламиз. Мана шундай инсонларнинг тарихини тиклаш, қатагон қурбонига айланган ёки Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган қаҳрамонларга бағишлаб Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети томонидан Иккинчи жаҳон урушидаги ғалабанинг 80 йиллиги ва 9 май — Хотира ва қадрлаш кунини муносабати билан “Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги

қаҳрамонлик унутилмайди” ҳамда “Тарихга битилган тақдирлар: курашлар, қисматлар ва ҳақиқатлар” номли китоб-альбомлар тайёрланди.

“Ватан равнақи, тинчлиги ва ҳимояси йўлидаги қаҳрамонлик унутилмайди” китоб-альбом Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, қаҳрамонлик кўрсатган ўзбекистонликлар қисмати архив материаллари, хусусан, Беларусь Республикаси архиви маълумотлари асосида тайёрланиб, фотосуратлар билан боитилиб, музейлар, кутубхоналар ва кенг китобхоналар оммаси учун тақдим этилди.

“Тарихга битилган тақдирлар: курашлар, қисматлар ва ҳақиқатлар” китоб-альбомида эса Ўзбекистон тарихининг мураккаб даври — XX асрда ватан тинчлиги ва озолиги йўлида курашиб, чинакам фидоийлик намуналарини кўрсатган юрт қаҳрамонлари, давлат ва сиёсат арбоблари, илм-фан намояндalari, ижодкор зиёлилар ҳамда ҳарбий кадрларнинг ноҳақ қатагон қилинган ёки сургунларга жўнатилган аянчи қисмати ўз аксини топган.

Шунингдек, китоб-альбомдан сиёсий қатагон қурбонига айланган ватандошларимиз тақдирини ҳиқоя қилувчи янги маълумот ва фотосуратлар ҳам ўрин олган.

Ўзбекистон — тинчликсевар мамлакат

Бугун ҳам дунёнинг турли бурчакларида жангу жадаллар, ҳарбий ҳаракатлар содир бўлмоқда ва бундай киргинбаротлар инсониятга ҳали-ҳамон қулфат келтиришда давом этмоқда. Бир қарашда дунё бугун ҳам охири кўринмаётган таҳликалар, хурчезлик ва келишмовчиликлар қурувида яшамоқда.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда “Бугун дунё таҳликали бўлиб бoryпти. Ҳар дақиқа синови бўляпти. Бу бизга ҳам таъсир қилади”. Албатта таъсир қилади. Лекин халқимиз ҳаётимизда шу таъсирни қаматириш бўйича чоралар кўраймиз. Меҳнатимиз билан, бирдамлигимиз билан, Худо хоҳласа, бу синовлардан ҳам ўтмайлик”.

Ўзбекистон эса тинчлик мамлакатидир! Биз нафақат ўзимиз тинч бўлишни истаймиз, балки қўшнилариимиз, минтақамиз, глобал дунёга ҳам тинчлик тилаймиз. Айниқса, сўнгги йиллардаги тинчликсеварлик сиёсати ва мақсади ислохотлар туфайли янгидан янги натижаларга эришиб келинмоқда. Биринчи навбатда, қўшнилари билан муносабатда мутлақ оқойишталикка эришилгани, чегара масалалари тўлақонли ҳал этилгани ва узоқ йиллик “музлар” эригани, БМТ ва бошқа ташкилотлар минобарларида ташаббусларимиз тўлақонли қўллаб-қувватлаб келинаётгани ҳам шундай ислохотлар, амалий хатти-ҳаракатлар натижасидир.

Ўтган асрда яшаган, жангларда тобланиб катта тажриба орттирган машҳур инглиз арбоби Уинстон Черчилл айтганидек, “Мен аминманки, аввалги урушларнинг хатоси такрорланмайди, чунки биз талай янги хатоларга қўл урамиз. Уруш бу — катта эҳтимомга кўра, кўп хатоларнинг каталоғидир”.

Шундай экан, уруш муаммоларнинг ечими эмас, аксинча, янги қулфатларни, ваҳшийликларни, можароларни бошлаб бевуручи воситадир. Халқимиз бежиз “Бир кун уруш бўлган уйдан қирқ кун баракка қочади” деган фикрини бот-бот такрорламайди. Барчамиз тинчликнинг қадрига етиб, барқарорлик учун бир тану бир жон бўлиб ҳаракат қилмоғимиз, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоғимиз даркор.

Инсон, миллат ва халқ тарихий хотира туйғуси билан барҳаёт. Хотира кечаги ўтмишни, аждодлар ўғитини, миллий меросимизни англитиб турувчи муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр инсонни юксакликка кўтарди, унинг фаолиятига, орзу-интиллари, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлайди.

Букилмас ирода ва жасорат намунасини амалда намойиш этиб, ҳаётини эзиз ватанимизнинг бар томонлама равнақ топши, бугунги тинч ва оқойишта кунлар учун фидо қилган аждодларнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эъзу ишларини давом эттириш, сафимизда юрган кексаларни эъзозлаш одавийликнинг энг олий мезонидир.



Таҳлил

ҲАМКОРЛИК ВА МУЛОҚОТ МАЙДОНИ

КЎРГАЗМАЛАР КУТИЛГАН НАТИЖАНИ БЕРАДИМИ?

Деярли ҳар куни пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” кўргазмалар мажмуаси атрофидан ўтаман. Ташқарига ўрнатилган эълонлар тахтасидаги хабар тез-тез янгиланганига кўзим тушади. Мунтазам равишда бирор янги кўргазма эълони иланилади. Аксарияти халқаро кўргазмалар ҳақида. Касбим тақозоси билан ўзим ҳам ана шу кўргазмаларнинг бир нечасида қатнашаман. Мақола учун маълумот тўплашган, иштирокчилар билан суҳбатлашаман. Кўргазма майдонини журналист ёки қатнашчи сифатида айланиб чиқаман. Аввал кўрмаган маҳсулотларим, янги инновациялар мени қизиқтиради.



Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Минглаб квадрат метр майдонда ташкил этилган павильон, турли экспозициялар, хорижий давлатлардан келган иштирокчиларнинг стендлари ва ундан жой олган маҳсулотлар, ҳатто ийрик ҳажмдаги техника ва технологияларнинг бир неча кун давомида намойиш этилиши учун катта маблағ сарфланади. Битта халқаро кўргазма ўтказиш учун ойлаб тайёрларлик кўриши, бир неча ҳафта ишчилик жалб этилиб, яхшигина харажат қилиниши ҳақида эшитгандим. Шундай вақтда ўйлаб қолман: хўш, оддий одамлар учун шунчаки намойиш майдони бўлиб кўринадиган кўргазмалар жамият учун, иқтисодиёт учун, мамлакат ривожига учун нима беради?

Янги Ўзбекистоннинг бугунги тараққиёти, дунё майдонидаги мавқеи, узоқ-яқин давлатлар билан кенг қўламли алоқалари, юртимизда тадбиркорлик учун яратилган қулай ва эркин муҳитни назарда тутиб, таҳлил қилинса, мавзу нечоғлиқ долзарблиги оидинлашади.

Бугун мамлакатимизда халқаро кўргазма форум, бизнес учрашув ва бошқа тадбирларни мунтазам ўтказиш иқтисодий, инвестициявий, саноат ҳаётидаги муҳим воқеа, яхши аъёнанага айланади. Хорижийларнинг юртимизга қизиқиши ортаёқни фониди кўргазмаларга келувчилар, иштирокчилар сафи ҳам йилдан йилга кенгайиб бормоқда. Нафақат хусусий ташиқлотлар, балки давлат идоралари, ийрик делегациялар, ҳатто биринчи раҳбарлар иштирокчида ўтаётгани бундай кўргазмаларнинг аҳамиятини оширади. Демак, иқтисодиётнинг исталган соҳасида энг сўнгги инновацияларни намойиш этиш, янги ҳамкорлар топиш, лойи-


халқаро инвестиция форумида умумий қиймати 26,6 миллиард долларга тенг келишувларга эришилган эди. Йил давомида ўтказилаётган қатор кўргазмаларда тузилаётган битимлар ҳам иқтисодий ўсишга ҳисса бўлиб қўшилаётди.

Кўрсаткичлар ошмаса, ҳисобмас!

Болалгимдан бадий кўргазмалар, фото-кўргазмаларга бориб, санъат асарларини томоша қилишни ёқтираман. Бу одамга ўзгача эстетик завқ, маданий озуқа беради. Томошабинларнинг аксарияти шунинг учун боради, яъни иқтисодий манфаат деярли бўлмайди. Аммо бу ерда ҳам кўргазманинг бошқа вазибалари — иқтисодкор ўз ишини бошқаларга кўрсатиши, номини кенг оммага танитиши, яратган асарларидаги янги ёндашувларни намойиш қилиш, келгусида йўлга қўйилаётган ҳамкорликларга замин яратилиши қабилир кўзга ташланади.

Кўргазмаларнинг мазмун-моҳияти азалдан шундай бўлиб келган. Аниқроғи, кўргазма инсоннинг моддий ва маънавий фаолиятидаги ютуқларини оммавий намойиш этишни назарда тутади. Бундай тадбирлар мақсадига кўра тижорий, маърифий-тарғибий, даврийлигига кўра мунтазам ва номуназам ўтказилуви, намойиш этиладиган экспонатлар мазмунига кўра универсал ва ихтисослашган, қатнашчилар тарқибига кўра жаҳон, халқаро, миллий, минтақавий ва бошқаларга бўлинади.

Манбаларда келтирилишича, дастлабки содда шаклдаги кўргазмалар милоддан аввалги II-асрларда Бобил, Финикия, Миср, Юнонистон, Рим каби давлатларда айрим диний маросимлар ёки халқ байрамларида ўтказилган. Ҳозирги шаклдаги кўргазмалар эса Европада XVI аср охирида пайдо бўлган. Ийрик корхоналар вужудга келиши билан маҳаллий савдо кўргазмалари ҳам ўтказила бошланган. Манифактура тизимидан машиналашган ишлаб чиқариш тизимига ҳамда умумий миллий бозор муносабатларига ўтиш даврида кўргазмаларнинг аҳамияти катта бўлди. Энди уларда техника соҳасидаги янгиликлар ҳам намойиш этила бошлади. XVIII асрнинг 60-йилларидан бошлаб ийрик умумий миллий савдо-саноат кўргазмалари вужудга келди. Уларда савдо битимлари тузилар, иқтисодий алоқалар йўлга қўйиларди. XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб халқаро саноат кўргазмалари учун махсус павильон ва ишоотлар қурила бошланди. Уларнинг ўзи



ҳалар, шартномалар имзолас, инвестицияларни жалб этишда кўргазмалар амалий майдон вазифасини ўтамоқда.

Айниқса, маҳаллий тадбиркорларни хорижий ишбилармонлар билан таништириш, ўзаро мулоқотга йўл очиш, маҳсулотларнинг экспорт ҳажмини оширишда ҳам кўргазмалар катта аҳамиятга эга. Кўргазма тўғрисида муайян соҳанинг йўналиш, юзлаб вакиллари бир вақтда, бир жойда жамланиб, ўз маҳсулотларини намойиш этаркан, ҳеч бўлмаганда, чакана харидор топишга эришади. Бу энг кичик натижа. Катта рақамлар эса мамлакат миқёсида кўзга ташланади. Кейинги йиллардаги натижалар таҳлилига қарасак, бугун худудлардаги кўлаб қўшма инвестиция лойиҳалари шартномаси айнан халқаро кўргазма ёки форумлар доирасида имзоланганига гувоҳ бўламиз. Ўтган йили 2-3 май кунлари пойтахтимизда ўтказилган III Тошкент

ҳам кўргазма ўтказиш жараёнида экспонат вазифасини ўтайдиган бўлди. Бугунга келиб халқаро кўргазмалар павильонлари мейморлиқ ҳар бир мамлакат экспозициясининг ғоявий мазмунини очиб беришга қўлағи.

Биринчи халқаро саноат кўргазмаси 1851 йилда Лондонда ташкил этилган. 1958 йилдан бошлаб умумжаҳон кўргазмалари “ЭКСПО” номини олди. Шунинг учун ҳам ҳозир кўргазмалар ўтказилаётган майдонлар номига “ЭКСПО” сўзи қўшиб қўланади. Брюсселда ўтказилган “ЭКСПО — 58” да 52 мамлакат қатнашиб, энг янги русумдаги автоматбиллар, электрон ускуналар, автоматик линиялар макети, рангли телевизор каби иштирокчи намойиш этилган. Осиёдаги биринчи “ЭКСПО” кўргазма Япониянинг Осака шаҳрида ўтказилган ва унда 76 мамлакатдан вакил қатнашган.



Фан ва техниканинг янада ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши шароитида халқаро ихтисослашган савдо кўргазмаларнинг аҳамияти янада ортиб ҳамда улар XX асрда умумтармоқ кўргазмалар ўрнини эгаллаб бошлади. Ҳозирги халқаро савдо кўргазмаларининг кўпи ихтисослашган кўргазмалардир. Улар нафақат бир давлат, балки халқаро савдонинг ривожланишига ёрдам беради.

Кўргазмаларнинг ривожланиб бориши бевосита уларни ўтказадиган ташкилотлар, тузилмаларнинг пайдо бўлишига йўл очди. Юртимиздаги энг ийрик халқаро кўргазмалар компанияси — “Itesa Exhibitions”. Ташкилотчи компаниянинг жаҳон бизнес майдонида Ўзбекистон номини илгари суриш, халқаро шериклини мустақамлаш ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишдаги ҳиссаси ортиб борапти. Йил давомида ўтказиб келинаётган “UzBuild”, “Woodtech & MebelExpo Uzbekistan”, “Buildtech”, “AgroWorld Uzbekistan”, “UzFood”, “O’ZUPACK” ва “TextileExpo Uzbekistan” каби қатор халқаро кўргазмалар хорижийликларга ҳам яхши таниш. Компания иштирокчилар учун қўлай муҳит яратиш ва кўргазмаларни самарали ташкил этишда юқори стандартларга амал қилмоқда. Бу эса кўргазмаларга қизиқишни янада оширапти.

“Itesa Exhibitions” томонидан ўтган йили юқори кўрсаткичлар қайд этилди — 113 мингдан ортиқ кишини жалб этган 20 та кўргазма, 14 та форум ва семинар ўтказилган бўлса, тадбирларда 57 мамлакатдан 4517 компания ва бренд, 141 спикер, 2512 делегат иштирок этди. Тадбирлар доирасида 81 мамлакатдан 13 минг 894 хорижий мутахассис бозорни ўрганиш, ҳамкорлар топиш, шартномалар тузиш, тақдиротларини ўтказиш учун Тошкентга келди. Асосийси, кўргазмаларда экспортчи корхоналар иштироки 2023 йилга нисбатан 27 фоиз ошгани кузатилди. Тадбирларнинг кўпи Марказий Осиёдаги энг ийрик кўргазмаларга айланади.

Ўзбекистонда самолёт ишлаб чиқарилади

Умуман, бугун юртимизда ўтказилаётган халқаро кўргазмалар иқтисодий тадбирларнинг асосий қисмига айлангани рост. Боиси, иштирокчиларнинг аксари шунчаки томошабин эмас, балки ишбилармон доира вакиллари, инвесторлар, делегатлардан иборат. Шунинг учун халқаро кўргазмалар доирасидаги бизнес учрашувлар янада гавжумлашган, манфаатли шартномалар имзоланяпти. Деярли ҳар бир кўргазмада бир неча битим, ҳамкорлик келишувига эришилгани оддий ҳолга айланган. Уларнинг қиймати эса кўргазмани ташкил этиш харажатида анча салмоқли экани шубҳасиз.

Шу йил 28-30 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” саноат кўргазмаси бунинг ёрқин мисоли. Кейинги беш йилдан бери мунтазам ташкил қилинаётган ийрик халқаро кўргазма одатдагидек юқори даражада ўтказилиб, дунёнинг турли нуқталаридан 10 мингдан зиёд иштирокчи, 400 дан ортиқ компания вакиллари бир нуқтада жамлади. Давлатимиз раҳбари ушбу кўргазмага ташриф буюриб, павильон ва экспозициялар билан танишгани халқаро саноат тадбирининг аҳамиятини яққол намойиш этди. Президентимиз кўргазмада иқтисодий кооперация учун катта салоҳият ва янги бизнес ғоялар ишлаб чиқиш борасида яхши имкониятлар мавжудлигини ҳам таъкиқлади.

ИННОПРОМ кўргазмаси мамлакатимиз иқтисодиёти ва саноат майдонида алоҳида ўрин тутди. Соҳадаги ишлаб чиқарувчилар, тадбиркорлар учун катта бизнес майдони вазифасини ўтамоқда. Биргина мисол: ўтган йили тадбир доирасида умумий қиймати 4 миллиард долларлик инвестиция лойиҳалари ва савдо битимлари имзоланган. Келишувларнинг асосий қисми юртимизнинг турли худудларига тўғри келган.

Бу йилги тадбир ҳам ийрик шартномалар, юртимиз саноати ривожига ҳисса қўшадиган битимларга бой бўлди. Масалан, кўргазма доирасида “Навий” эркин иқтисодий зонаси дирекцияси” АЖ ва Россиянинг “Первое” таъриба-конструкторлик бюроси МЧЖ ўртасида меморандум имзоланди. Келишувга кўра, жорий йил октябрдан бошлаб юртимизда йилга 100 та самолёт ишлаб чиқарилади.

— Ишлаб чиқарилган самолётлар Ўзбекистоннинг ички эҳтиёжларини таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, Яқин Шарқ,

Бугун юртимизда ўтказилаётган халқаро кўргазмалар иқтисодий тадбирларнинг асосий қисмига айлангани рост. Боиси, иштирокчиларнинг аксари шунчаки томошабин эмас, балки ишбилармон доира вакиллари, инвесторлар, делегатлардан иборат. Шунинг учун халқаро кўргазмалар доирасидаги бизнес учрашувлар янада гавжумлашган, манфаатли шартномалар имзоланяпти.

фаолиятнинг кириб келиши мамлакатимиз саноат тармоқлари ривожига хизмат қилади.

Умуман, йил давомида қатор соҳалар бўйича ўтказилаётган кўргазмалар бир-бирига уланиб кетади. Уларга тайёрларлик эса аввалдан бошланади: жой ҳозирлашдан тортиб, иштирокчилар рўйхатини шакллантиришга. Тадбирларда одатда белгиланган соҳаларда фаолият юритадиган вакиллар иштирок этиб, тармоқдаги янги технологиялар билан танишади, ўз маҳсулотларини намойиш этиб, янги харидорлар, бизнес шериклар топишга интилади. Хусусан, жорий йил 15-17 апрель кунлари юртимизнинг САЕх халқаро кўргазмалар майдонида соғлиқни сақлаш

соҳасидаги “TINE — 2025” ҳамда гўзаллик йўналишидаги “Beauty Uzbekistan — 2025” кўргазмалари бўлиб ўтди. Май ойининг дастлабки кунларида эса халқаро қурилиш ва кўч-мас мулк кўргазмаси ўтказилди.

Йил сўнгига қадар яна ўнлаб ийрик халқаро кўргазма ташкил этилиши режалаштирилган. Масалан, 13-15 май кунлари “Энергетика, энергия тежаш, атом энергетикаси, муқобил энергия манбалари” 18-халқаро кўргазмаси, 14-16 май кунлари “Техникачилик ва тикувчилик саноати — “TextileExpo Uzbekistan 2025”, 9-11 сентябрь кунлари “Тўқимачилик ускуналари ва технологиялари — САТМЕ 2025” 16-Марказий Осиё халқаро кўргазмаси, 28-30 октябрь кунлари “Тоғ-кон иши, металлургия ва металлсозлик” 19-халқаро кўргазмаси бўлиб ўтади.



Жорий йилнинг 19-21 июнь кунлари Тошкентдаги Central Asian Expo (CAE) кўргазмалар мажмуасида ўтказилаётган “Есо Expo Central Asia — 2025” экологик технологиялар халқаро кўргазмаси эса юртимизда илк бор ташкил этилмоқда. Унда Ўзбекистоннинг “яшил” ташаббуслар илгари сурилаётган худудлари, барқарор амалиётни фаол жорий этаётган вазирик ва идоралар, экологик фикрлашни ўргатуви саноат таълим муассасалари, экмаршрутларни тақлиф этуви сайёҳлик масканлари ва бошқалар намойиш этилади. Кўргазма ҳақиқий экологик муҳит яратиши кутилмоқда. Туркия, Хитой, БАА, Япония, Корея Республикаси, Саудия Арабистони, Германия ва бошқа 30 га яқин давлатдан экспонатлар иштирок этади.

Хорижда ҳам фаолмиз

Кўргазмалар тадбиркорлар учун жуда манфаатли. Ишлаб чиқарувчилар хорижий ҳамкорларга ўз маҳсулотини тақдим этиш орқали савдо ва экспорт ҳажмини оширади. Талабдор

қанча кўп бўлса, шунча яхши. Бироқ бунинг учун фақат юртимизда ўтказилаётган кўргазмалар билан чекланиш бугунги шароитга тўғри келмайди. Ишбилармонлар дунё майдонида ҳам чиқиши, маҳсулотларини халқаро миқёсда тақдим этиши муҳим. Шу боис, кейинги йилларда хорижий давлатларда “Ўзбекистон маҳсулотлари” савдо ярмаркаларини ўтказиш, уларга юртимиз тадбиркорларини кенг жалб этишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада давлатимиз бизнес эгаларига ҳар томонлама қўмақ берапти.

— Хорижда кўргазма ташкил қилиб, унда иштирок этишнинг ўзи бўлмайди. Бу катта харажат талаб қилади. Кичик ёки ўрта бизнес вакили ҳар доим ҳам бу харажатни қоплашга таваккал қилолмайди. Шу боис, авваллари чет элдан бирор кўргазмада иштирок этган ўзбекистонлик тадбиркорлар ҳақида деярли эшитмасдик. Ҳозир эса ўнлаб ишбилармон жамланиб, тегишли ташкилотлар бошчилигида турли давлатларда ўтказилаётган кўргазмаларда қатнашапти. Сабаби давлат уларни қўлаб-қўватлаб, зарур шароит яратиб бермоқда. Кўргазма ўтказилаётган жойнинг тўлови давлат томонидан тўлиқ қопланапти. Айрим давлатларга боришда эса ҳатто бизнес эгаларининг бориш-келиш чиптаси, юқининг тўловига ҳам тўла берилади. Бу ёрдам ишбилармонларни янада руҳлантирмоқда. — дейди Ўзбекистон экспортчилар уюшмаси раиси Ерқин Маликов. — Хорижда ўтказилаётган халқаро кўргазмалар тадбиркорнинг ривожланиши, халқаро таърибларини ўрганиши, маҳсулоти учун янги бозорлар топиши, экспорт ҳажмини оширишида катта ўрин тутди. Шу боис, маҳаллий тадбиркорларни кўпроқ чет давлатга олиб бориб, кўргазмалар ташкил этишга интилади. Йил бошидан бунга қатор давлатларда бўлди. Масалан, март ойида Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги билан ҳамкорликда 30 га яқин тадбиркор иштирокида Покистонда “Ўзбекистон маҳсулотлари” савдо ярмаркаси ўтказилди. Кўргазмада дуққали маҳсулотларимизга талаб катта бўлди. Ҳозир ҳамкорлик шартномалари

имзоланиш арасида. Дубайда бўлиб ўтган кўргазмадан кейин эса тадбиркорларимиз 5 миллион долларлик шартнома имзолашга эришди.

Ўтган йилда Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда Афғонистонда озиқ-овқат ва фармацевтика соҳасидаги тадбиркорлар учун кўргазма ташкил қилди. Олдинлари маҳаллий ишбилармонлар Афғонистонга дори-дармон олиб киришга қийналар экан. Афғонистон савдо вазири кўмағида бу масала ечилди. Қолаверса, Афғонистонда ўзбекистонлик тадбиркорлар тухум фабрикаси, сут маҳсулотларини қайта ишлаш корхонаси очиб бўйича харажат бошланган. Яқинда уюшмамиз 10 дан ортиқ тадбиркорни Туркманистонга олиб борди. Натижада умумий қиймати 2 миллион доллар атрофида бўлган шартнома имзоланди. Ҳамкорлик доирасида келаси ҳафтадан Туркманистонга 10 тонна озиқ-овқат маҳсулоти экспорт қилина бошлайди.

Йил охиригача Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги билан ҳамкорликда ўндан ортиқ давлатда шундай кўргазмаларни ташкил этамиз. Франция, Англия, Швеция, Япония, Озарбайжон, Саудия Арабистони, Сингапурга бориш бўйича тақвим режалар шакллантирилган. Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда 12-15 май кунлари Эронда озиқ-овқат кўргазмасини ўтказамиз. Қатор йўналишдаги маҳаллий тадбиркорларни олиб бориб, юртимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни намойиш этамиз. Аҳамиятисиз, кўргазма учун олинган жой харажати давлатимиз томонидан қоплаб берилади.

Бир сўз билан айтганда, тадбиркорларимизнинг халқаро кўргазмаларда иштирок этиш имконияти ортапти. Зеро, бу орқали мамлакатимиз иқтисодиёти ва экспорти қўламини кенгайтириш, савдо ҳажмини ошириб, соҳани янада ривожлантириш мақсад қилинган.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz.uz



9 май — Хотира ва қадрлаш куни “НОЛИМАГАНМИЗ, ИМКОН ҚИДИРГАНМИЗ ВА ТОПГАНМИЗ”

Оққўрғонлик 105 ёшли Файзулла ота Нурматов Иккинчи жаҳон уруши фахрийси. Турмуш ўртоғи Шарофат ая билан 63 йил умргузаронлик қилиб, 7 фарзандни вояга етказди. Ҳозир 36 невага, 44 чеваранинг дуоғўй бобоси.



Файзулла ота 1920 йилда Жиззах вилоятининг Галлаорол туманида дунёга келган. 20 ёшда тендослар қатори ҳарбий хизматга қақирилган. — 1940 йилда ҳарбий хизматга кетганман. Беларусь ўрмонларида хизмат қилиб юрган чоғимизда — 1941 йил 22 июни тонгида осмонда самолётлар пайдо бўлган. Бошимиз узра бомба ёғдири бошлади, — дейди Файзулла ота. — Кейин биласан, уруш бошланган экан. Ўша талатўпда қўлимдан яраландим. Жароҳатим тез кунда тугалиб кетди. Кейин уруш майдонига қирришга тайёрландим. Жанглар бошланди. Уруш изтиробларининг эслаш оғир, аслида. Хотирамда қолган оғрикли воқеалардан бири — душманлар бутун бир қишлоқни аҳолиси билан ёқиб юборганини ўз кўзим билан кўрганман. Акам ва жангларим, хуллас, оиламиздан 8 киши урушга кетган эди. Афсуски, ҳеч бири тирик қайтмади. Уруш тугагунига қадар қўллаб жангларда қатнашдим. Қўлимдан, елкамдан яраландим. Энг муҳими, ватанга омон қайтдим. Онам урушдан қайтишмини жуда интизор бўлиб кутган экан. Келганимдан сўнг 3 кун ўтиб, муштипарим вафот этди...

боғлиқ қатор муаммолар сабаб бир қанча ҳамқишлоқлари билан Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманига кўчиб келди. Файзулла ота қишлоқдошлари билан бу ерда паст-баланд тепаликларга сув чиқариб, тақир ерни бўстон қилди. Меҳнати ортидан даромад топди, оилали, бола-чақали бўлди. Турмуш ўртоғи билан бирга фарзандлари, сўнг неваларининг меҳнатқаш, виждонли, ўқимлишли қилиб тарбиялади. Бугун отахон катта оиланинг дуоғўйи. — Ризқ-насиб экан, шу кунларга етиб келдим. Бугун баъзи дангасалар иш йўқ, пил йўқ деб нолиб қолади. Биз уруш ва очарчилик йилларида ҳам нолимаганмиз, доим имкон қидирганмиз ва топганмиз, — дея ўша йилларни эслайди отахон. — Аллоҳга шукр, бугун юртимизда тўқинлик. Давлатимиз томонидан биз — уруш қатнашчилари ва барча кексаларга, ёшларга ҳам катта имкониятлар яратиб берилмоқда. Бир гуруҳ уруш қатнашчилари билан ҳам амалларини бажариб келдим. Тилагим — юртимиз ҳаммиша тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин! Ҳа, Файзулла Нурматов каби сўнмас ирода ва жасорат соҳибларининг сафимизда туриб, эҳтиром ва эъзозда бўлиши халқимизнинг бойлиғидир.

Гуличехра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Маълумотларга кўра, Иккинчи жаҳон урушига Сурхондарё вилоятидан 53 минг 365 йигит жўнатилган. Уларнинг 11 мингдан ортиғи жанг майдонидан мардларча ҳалок бўлган. Аини пайтда вилоятда уруш қатнашчилари, фронт орти фахрийлари ўзининг ибратли ҳаёт йўли билан халқимизга намуна бўлиб келмоқда.

ТИЙРАМОҲНИНГ СОВУҒИ ВА ТАҚДИРНИНГ ИССИҒИ

Бойсулик Шохимардон бобо Ҳамроев босиб ўтган умр йўли ҳақида ўйлаганида, суронли йилларнинг даҳшатли воқеалари кўз ўнгидан гавдаланади. — 1922 йил март ойида ҳозирги Бойсун тумани Темир дарвоза маҳалласида деҳқон оиласида дунёга келганман. Ўша пайтларда кун кечирининг ўзи қийин эди. Шундай бир паллада уруш бошлангани оиламиз учун дард устига чиққон бўлди. Аввал яқинларим, кейин амакиларим урушга кетди. Уларнинг биридан хат келиб турарди, бошқиси бедарак йўқолгани ҳақида гап қўлоққа етарди. 19 ёшда мен ҳам урушга кетдим, — дейди Шохимардон бобо. Дастлаб урушга қақирув хатидан унинг яқинлари довларб қолди. Энди 19 ёшга қадам қўйган йигит тўрваҳалтасини елкасига олиб урушга жўнади. Дунё борки, эзгулик бор. Дунё борки, фирромлик бор. Аммо эзгулик ёвузлик устидан доимо ғалаба қилган. Ҳамма даврда бўлгани каби ўшанда ҳам фирромликлар буй кўрсатган. Масалан, амалдорлар қариндош-уруғига келган қақирув қозонини турфа йўллар билан боқанингом номига ўзгартиришга эришган. Қимдир жанггоҳ даҳшатидан қочиб, қўрқувдан ўзини ногирон қилиб қўйган, бошқаси ном-нишонсиз гойиб бўлган. Аммо қаҳрамонимиз воқеаларга, тақдирга дадил пешвоз чиқди. Шохимардон Ҳамроевнинг ёруғ орзулари бисёр эди. Лекин фашистларга нисбатан унинг қалбидagi исён учқуни, жангларда ҳалок бўлган яқинлари учун интиқом курашга ундарди. — 1941 йилнинг кеч кўзи эди. Ўшанда энг катта бино бўлган колхоз идорасига кўпчилик қақирилди. Ҳамма — ота-оналар ҳам, болалар ҳам йилган. Ҳарбий либос кийган бошлиқ урушга жўнайдиганларнинг наватбдаги рўйхатини ўқиб бериб, зугум ўтказишга ҳаракат қилди, — дейди Шохимардон бобо Ҳамроев. — Менга ҳам “Урушга жўнади!” деб дўқ қилди. “Бораман!” дея шахд билан жавоб қайтардим. Уруш майдонидан минглаб сафдошим тутдек тўкиди. Урушда жон олиб, жон бердим. Пешонамга битилган экан, урушдан тирик қайтдим.

Шохимардон Ҳамроев урушдан сўнг кадрлар тайёрлаш мактабида ўқиди. Бойсун қишлоқ хўжалиги ривожига ҳисса қўшди. Кенгликларда гектар-лаб боғ-роғ барпо этилишига бош-қош бўлди. Бир этак фарзандни вояга етказиб, олий маълумотли қилди. Бугун у 103 ёшда. Ҳамон дадил, гап-сўзида адашмайди, хотираси ҳам жойида. — Олимларнинг ўрганишича, бугунга қадар инсоният бутун тарихи мобайнида бор-йўғи 292 йилгина урушларсиз яшаган. Ер юзидagi урушлар орасида энг йиринги, талафотлиси, қонлиси ўтган асрда содир бўлди. У Иккинчи жаҳон уруши номи билан тарихга кирди. Бунинг ўқубатини тортган юртдошларимиз бугун ҳамма учун ибрат мактабидир, — дейди тарих фани ўқитувчиси Муҳиддин Хидиров. Сўлим Бойсун туманидаги тоғлар бағрида жойлашган кичик қишлоқда умргузаронлик қилаётган отахоннинг уйи шу кунларда фарзандлар, набира ва чеваралар билан тўлган. Бобо катта оиласи қуршовади. — Шохимардон бобо — тирик китоб. Ўтган асрнинг катта-кичик воқеаларини оқизмай-томизмай гапириб беради. Хотираси ҳали ҳам мустаҳкам. Ҳар келганимизда миллий армиямиз ҳақида сўрайди. Қизиқиб тинглайди. Кейин узундан узоқ дуо қилади, бобо тинчлик нақадар улуг неъмат эканини ўз умри мисолида тушунтиради, — дейди Бойсун тумани мудоффа ишлари бўлими бошлиғи Ортиқ Муродов. — Ҳарбийликка қизиқувчи ёшларни ҳам олиб келингллар, улар ҳам меҳнат тинчлигининг қадрини ҳақида эшитсин дейди. Келган меҳмон борки, бир асрлик умр йўлини босиб ўтган бобонинг юртимиздаги кенг кўламли ислохотларни янгиланишлар хусусидаги суҳбатларини завқланиб эшитишди. Уруш ва меҳнат фахрийси Шохимардон бобо Ҳамроевнинг айтишича, яхши замон, тинч ватан, тўқин дустурхон инсонни яшатиради. Узоқ яшашининг сирини шунда. Яхши кунларнинг қадрига етиб, ватан равнақи йўлида меҳнат қилиши, эзгу ишларни амалга ошириш эса чинакам саодат.

Сарвар ТЎРАЕВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Турсункул бобо Эргашев
1922 йилнинг 29 ноябда
Навоий вилоятининг Нурота туманидаги Ҳозгон қишлоғида таваллуд топган. Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси бўлган нуруний ўша оғир йилларнинг кўпини елкасида сабот билан кўтариб яшади. Бугун 103 ёшини қаршилаётган отахон бутун умрини навқирон авлод таълим-тарбиясига бағишлади. Аср билан бўйлашган зиёли инсоннинг энг қисқа таржimai ҳоли шу. Аммо унинг ҳар бир кунини сарҳисоб қилиб, умр йўлини таҳлил этсангиз, бугун бир тарих кўз олдингизда гавдаланади.

ЎЗ ЙИЛЛИК ҲАЁТ МАКТАБИ



Катта ва бой ҳаётий тажрибага эга отахон ҳозир ҳам юртдошларимиздан маслаҳатини аямайди. Уларни гафратли, шижоатли бўлишга, эзгу ишларга бош қўшишга чорламоқда. Нуруний шу йўл орқали маҳалласидаги оилалар тинч-товушлик йўлида хизмат қияпти. Ота-оналарга фарзанд тарбияси борасида маслаҳат беради. Болаларга ҳаётни, яшаб ўтган машаққатли йиллари ҳақида ҳикоялар сўзлайди. Маҳалладаги ҳар бир тўй-маъракага кайвонилик қилади. Тадбирларни камхарж қилишга қақиради. Турсункул бобонинг ана шундай ибратли умри муносиб қадр топди. У дастлаб “Дўстлик” орденига муносиб кўрилди. Сўнг 2019 йилда “I даражали меҳнат фахрийси” кўкрак нишони, 2021 йилда “Ўзбекистон мустақиллигига 30 йил” эсдалик нишонини билан тақдирланди. Етти фарзанднинг отаси, 27 невага ва 52 чевараси бор нуруний бугун том маънода сердавлат бўлиб, кексалик гаштини сурмоқда. — Бугунги эътибор, рағбат кишини хурсанд қилади. Чунки бу кексаларни қадрлаш, уларнинг насиҳатига қўлоқ тутиш керак деган маънода ёшларга катта ибрат бўлипти, — дейди Турсункул бобо. — Ҳозирги ёшлар жуда бахтли. Бизнинг давримизда ўқиш, таълим олиш учун бутунгидек шарт-шароит бўлмаган. Нурай бошланган биноларда, эски дарсликлардан фойдаланиб ўқиганмиз. Ўша даврда бошимиздан иссиқ-совуқ ўтиб, қийналган энг оғир кунларда ҳам ҳалол меҳнат қилдик. Луқмамиз тоза бўлсин дедик. Фарзандларимга, ўқувчиларимга ҳаммиша синовларга бардошли, меҳнатқаш бўлишни, юртимиздаги имкониятлардан фойдаланиб, мақсад сари дадил олға бориш кераклигини ўқитираман. Илоҳим, бугунгидай фаровон ҳаётимизга асло кўза темгасин. Ҳозгонлик моҳир сангтарош, “Эл-юрт хурмати” ордени соҳиби, Ўзбекистон Республикаси халқ устаси Тоҳир Раҳимовнинг айтганлари: “Турсункул бобонинг тарбиясини олган фарзандлар эл хизматида танилган тадбиркор. Невага ва эваралари ҳам халқ хўжалигининг турли

Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон урушида қозонилган ғалабанинг 80 йиллиги ҳамда Хотира ва қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва муносиб нишонлаш тўғрисида”ги қарорида Ўзбекистон халқининг тарихий қаҳрамонлиғи, фидокорона меҳнатини улуғлаш, ёш авлодга ватанга садоқатли, бугунги тинч, оқолишга ҳаётни асраб-авайлашга қодир инсонлар этиб тарбиялаш каби эзгу мақсадлар кўзланган. Турсункул бобонинг ҳаёт йўли ҳам ёшларимиз учун ибрат бўла олади. Навқирон ёшдаги Турсункулнинг орзулари осмон эди. Ўқиб-ўрганишга иштиёқи кучли, билганларини бошқаларга ҳам ўргатишни истарди. Шу бос, ўқитувчилик касбинин тандли. Дастлаб 1941 йилда Нурота тумани Боғажот қишлоғидаги мактабда бошлангич синф ўқитувчиси бўлиб ишлади. Аммо аллақачон бошланган уруш сабаб у ишини давом эттира олмади. Юртининг ақсар ўғлонлари қатори Турсункул Эргашев ҳам фронтга жалб этилди. У 1942-1945 йилларда Иккинчи жаҳон урушида қатнашди. Ниҳоят фашизм устидан қозонилган ғалабадан сўнг кам сонли сафдошлари билан бирга юртига қайтиш насиб этди.



тармоқларида хизмат қияпти. Барчаси отахон маслаҳатига, панд-насиҳатларига амал қилиб, кам бўлмади. Турсункул бобо ҳалол ва сидқидилдан қилган меҳнати эвазига халқ орасида катта обрў-эътибор қозонди, бундан биз фахрланамиз”. Жамият ҳаётида ўз ўрнини топиб, элига садоқат билан хизмат қилган киши, албатта, халқ эъзозига муяссар бўлади. Турсункул бобо аллоҳлардан ана шундай инсонлар сирасидан жой олган замонамиз фидойиларидан бири. Тилида шукроналик, қўли дуода бўлган, бутун ҳаётини касбига фидойилик билан ўтказган Турсункул бобо сингари фахрийларимизнинг ҳаётини, фаолияти барчамиз учун ибрат мактабидир.

Шаҳриёр ХОЛБОВЕВ,
иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа доктори

Замондошларимиз УЛ ЗОТ — ТИРИК ТАРИХ, ТИРИК КИТОБ

Навоийдан гапирадиган, унинг асарларини “сув қилиб ичган” “шунос”лар кўп. Аммо қалбига, тийнатига худди Ҳазрат ўйлаган, зикр айлаган фазилатларни сингдирганлар санокли. Устоз, бузрук мураббий Муслиҳиддин Муҳиддиновни ана шундай зоти шариф десак, янглишмаймиз.



Қисқагина муддат бўлса ҳам домланинг қўлида таҳсил олиш насоби этган менга. Домла дарс эмас, сабоқ беради. Ҳар бир хатти-ҳаракати сўзи, табассуми, очиқ ва нурили чехраси, энг муҳими, инсонийлиги билан бизга сабоқ берган экан, ҳозир ўйласам. Эсимда, бир мартагина Яссавий ҳақида гапирганим ва Навоийнинг ул “шайх ул-машойих”га эҳтиромини китобдан ўқиб бергулик ҳолатда айтганим учун устозимиз мени қанча мақтаганди. Бу шу яхши гапларга муносиб бўл, деган чорлов эди, аслида. Шундан кейин ўзимдаги барча иллатни йўқотишга уринганман...



Муслиҳиддин домла, ҳеч шубҳасиз, ана шундай улуг устозлардан. Унинг оддий гапи ҳам ҳикматга тўла. Сўзларини эшитаркансиз, бунча билим ва тавақкур қаердан келган экан-а дея ўйлайсиз. Айтган сўзига ҳамоҳанг тарзда, ўз мақомига муносиб тарзда яшаб эса ҳаммиша қийин бўлган. Домла ҳаётини давомидида ўз илму амалига содиқ ҳолда умргузаронлик қилиб келмоқда. Унинг фарзандлари, набиралари, барча яқинлари илм деган уммонга интиланган ва бу машаққатли баҳрада ўзининг муносиб ўрнига эга. Улар ҳам худди устоз каби шунчаки илм ўрганиш ва ўргатишдан уялди, истихоло қилади. Раҳматли устоз Ботиров Валихўжаев талабаларга орқа ўтириб дарс бериш ҳурматсизлик бўлади деб доскага ёзишни рад этиб келганидек, Муслиҳиддин Муҳиддинов ҳам аудиторияга тайёрланиб, мосланиб, яъники



“Эсимда, бир мартагина Яссавий ҳақида гапирганим ва Навоийнинг ул “шайх ул-машойих”га эҳтиромини китобдан ўқиб бергулик ҳолатда айтганим учун устозимиз мени қанча мақтаганди. Бу шу яхши гапларга муносиб бўл, деган чорлов эди, аслида. Шундан кейин ўзимдаги барча иллатни йўқотишга уринганман...”

шига амин бўлдик. Ўзи, сўзи, палаги тоза бўлган одам бошқалар ҳақида ҳам оҳирсиз гапирди. Ўша ҳамқасби ва ҳамқадими ҳақида сал “ҳидланган” гап чиқса, чиқолмайди, кўсини тоғ қилиб ҳимоя қилади. Домла тугилиб вояга етган Ургутдаги тоғларни кузатган инсонлар билди: бу ерда жуда улугвор қоялар ҳам бор. Шу қояларга туташ тарзда Аллоҳ яратган энг азиз мавжудот — Ҳазрати Одам эканини англаган кишилар ҳам бу манзилу маконда талайгина. Меҳрибон устозимизнинг падари бузруквор, катта бобоси шайх бўлган. Бир пайтлар эл бошига иш тушганда, ҳамма довлариб, не қиларини билмай қолганда Валихон эшон бобо, Қўт-биддинхон эшон бобо йўлчи юлдуз бўлган. Уларнинг жасорати, илму амали, шахс сифатида улуглиги бошқаларга кучли таъсир қўрсатган. Шу валий инсонларнинг дуосидан бўлса керак, Ургутда фазл бор, баракат бор. Одамлари оқибатли, бир-бирини жигардек яхши қўради. Халқимизда “Устоз отангдан улуг” деган нақл бор. Бу топиб айтилган мақол ҳақида тортишувлар тугамайди. Устозликнинг муътабар мақомини ифодаловчи бу иборда тортишадиган нарсанинги ўзи йўқ. Агар устоз отадек улуг бўлганда, бу мақол пайдо бўлмасди ҳам. Албатта, отанинг ўрнини ҳеч қим босолмайди, устознинг азизлиги эса тегини йўқ падали бузруквордан ҳам баланд кўрилиши шу мақол ҳақидаги барча баҳс-га нуқта қўяди.

Мақсуд ЖОНИХОНОВ,
журналист

